

Қорақалпоғистонда «Ғоиб ота» жоме масжиди очилди



16:00 / 28.10.2021 2249

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани «Кўна Тўрткўл» овул фуқоралари йиғинидаги «Ғоиб ота» жоме масжиди янги биносининг очилиш маросими ўтказилди.

«Ғоиб ота» жоме масжидининг эски иморати 1982 йили лойдан ҳашар йўли билан қурилган бўлиб, бугунги кунга келиб яроқсиз ҳолатга келиб қолган эди. Қорақалпоғистон муслмонлари қозиёти, маҳаллий ҳокимият ва тегишли ташкилотлар рухсати билан мазкур масжиднинг юридик манзили ўзгармаган ҳолда, янги биносини қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Ҳудуд аҳолиси, маҳаллий тадбиркор ва туман ҳокимиятининг кўмаги билан масжиднинг янги иморати бир йил ичида қуриб битказилди. 500

намозхонга мўлжалланган масжидда 2 намозхона ва ходимлар хонаси ҳам мавжуд.

Масжидларни обод қилиш тоат-ибодатлар билан ҳамда ўша масжидларни қуриб, таъмир этиб, пок сақлаб, муҳофаза қилиш билан бўлади.

Аллоҳ таоло ушбу масжидни қиёматга қадар мўмин-мусулмонларга хизмат қилишини насиб қилсин.